

## Покистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ислом омили

*Жаҳон сиёсати, тарих ва фалсафа*

*факультети магистранти*

*Абдуназаров Собир Ибрагимович*

### АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада Покистон давлатининг ташкил топиши ва ижтимоий-сиёсий ҳаёти диний омил асосида шаклланиши ва ривожланиши ҳақида сўз юритилади. Шунингдек, Покистон ижтимоий-сиёсий ҳаётида ислом омили кучайишининг салбий оқибатларини ўрганишга ҳаракат қилинган.

Глобаллашув жараёнида дунё давлатларидаги турли ички сиёсий ва иқтисодий муаммолар шу ҳудуддаги ва қўшни минтақалардаги мамлакатлар ҳаётига бевосита ўзининг таъсирини кўрсатиши қайд этилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, бундай муаммоларни кузатиш ва уларнинг салбий таъсирининг олдини олиш борасида мулоҳаза қилишни тақозо этмоқда. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, “ҳар қандай минтақанинг ҳал қилинмаган ва газак олиб кетган муаммолари бутун дунёда занжир реакциясини келтириб чиқариши мумкин. Вазиятнинг беқарорлашуви эса кундан-кунга аниқ-равшан бўлиб бораётган янги жўғрофий-сиёсий мувозанатни бузиш ҳавфини келтириб чиқаради”<sup>1</sup>. Шу сабабдан ҳам мамлакатимизга яқин бўлган ҳудудларда содир бўлаётган воқеаларни кузатиб бориш ва уларни ҳар томонлама таҳлил қилиш биз учун алоҳида аҳамиятга моликдир. Давлатимизнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ривожланишида нафақат минтақамиздаги, балки Ўзбекистон чегарасидан унча узоқ бўлмаган Покистон Ислом Республикасидаги ижтимоий-сиёсий вазият маълум бир

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Тошкент, “Ўзбекистон”, 1997, б. 12.

маънода аҳамиятга эгадир. Шунингдек, ҳар бир давлат тараққиётига ижобий-салбий ташқи омиллар таъсир кўрсатади.

Покистон 1947 йилда маданий-диний умумлашув асосида тузилган дунёдаги ягона давлатдир. Мустақил Покистон давлати ташкил этилганидан кейин мамлакатдаги турли диний партиялар ва гуруҳларнинг таъсирида ислом омили жамият ҳаётида катта ўрин тутди. Хусусан, 1949 йили Таъсис мажлиси, Покистон бош вазири Лиакат Алихоннинг мулоҳазаларидан келиб чиқиб, мамлакат аҳолиси ўз ҳаётида ислом дини таълимотларига риоя этиши кераклиги қайд этилган қарор қабул қилади.

1956 йилда мамлакат конституцияси қабул қилиниб, унга кўра Покистон - Ислом Республикаси деб эълон қилинади. Асосий қонуннинг 2 моддасида фақат мусулмон шахс Покистон президенти ва бош вазири бўлиши мумкинлиги қайд этилади<sup>2</sup>. Шу билан бирга мамлакатда Ислом ғоялари маслаҳат кенгаши, Исломни ўрганиш институти, Ислом судлари каби давлат тузилмалари ташкил этилади.

Диний анъаналар ушбу ўлкада узоқ тарихга эга. Хусусан, ҳозирги Покистон ҳудудига ислом дини дастлаб VII асрда кириб келган. VIII аср бошига келиб Ҳиндистоннинг шимолий қисмида қудратли Деҳли султонлиги вужудга келади. XVI асрнинг биринчи ярмида бу ерда Бобурийлар империяси ҳукмронлик қилган. 1906 йилда Британия Ҳиндистонидаги мусулмонлар томонидан таъсис этилган “Мусулмонлар лигаси” партияси Покистон давлатини тузиш йўлида асосий роль ўйнаган. Покистон аҳолисининг 96 фоизи ислом динига эътиқод қилади<sup>3</sup>. Мамлакат аҳолисининг кундалик ҳаётида, айниқса, қабилалар яшайдиган ҳудудларда диний анъаналар катта таъсирга эга. Покистондаги мусулмонларнинг 76 фоизи сунний ва 20 фоизи шиа мазҳабига мансуб<sup>4</sup>. Шиа мазҳабига эътиқод қиладиганлар нисбатан кам сонли бўлишига қарамасдан, улар Покистонда иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан жамиятнинг анчагина катта сегментини

---

<sup>2</sup> Journal of South Asian and Middle Eastern Studies. Villanova, 1982, Vol. VI, № 1, с. 33–37

<sup>3</sup> [www.pakistan-wikipedia.ru](http://www.pakistan-wikipedia.ru)

<sup>4</sup> Ўша сайт.

ташқил қилади. Покистон давлати раҳбарлари Муҳаммад Али Жинна, Лиакат Алихон, Искандар Мирзо, Зулфикор Али Бхутто каби сиёсий арбоблар шиа мазҳабида бўлишган.

1947 йилда Покистоннинг Британия Ҳиндистонидан алоҳида давлат сифатида ажралиб чиқиши диний тамойил асосида амалга оширилди. Мусулмонларни ягона давлатга бирлаштиришда ислом ғояси бош мафкура бўлди. Муҳаммад Али Жинна ва Муҳаммад Иқбол жамоатчиликни Ҳиндистонни диний омил асосида иккига бўлиш ғоясини тўғри қабул қилишга тайёрлаб бордилар. Шунингдек, ўша даврда Ҳиндистоннинг диний асосда парчаланишига инглиз мустамлакачилари томонидан олиб борилган мустамлакачилик сиёсати жуда катта таъсир кўрсатган.

Мустақиллик йилларида Покистоннинг сиёсий ривожланишидаги ўзига хос жиҳат шундаки, жамоатчилик ҳаётида, давлатда ислом қонун-қоидаларини татбиқ этишга чақирувчи диний-жамоавий партиялар ва гуруҳлар асосий ўрин тутди.

XX асрнинг 70-йилларидан кейин Покистонда диний омилнинг таъсири кучайгани қайд этилади. Зеро, мамлакат раҳбарлари томонидан ислом ғояси халқни бирлаштирувчи куч сифатида қабул қилинади. Покистонлик маъмурларнинг бундай қарори, ўз навбатида, бой араб-ислом давлатлари билан алоқаларни мустаҳкамлаш, шунингдек, Покистоннинг шарқий вилояти - Бангладеш мустақил давлат сифатида ажралиб чиққан бир шароитда халқни бирлаштириш ва мамлакатда барқарорликни таъминлаш зарурияти каби қатор ички ва ташқи сабаблар билан изоҳланади. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, “диний фанатизмнинг “отилиб чиқиши”га соф диний зиддиятлардан кўра кўпроқ ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий муаммоларнинг ҳал қилинмаганлиги сабаб бўлади”<sup>5</sup>.

Жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётида исломнинг роли Покистон президенти М.Зиёулҳақ (1977-1988) даврида анча кучайтирилди. Закоат ва

---

<sup>5</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Тошкент, “Ўзбекистон”, 1997, б. 38.

ушр каби диний солиқлар жорий қилинади, айрим жиноятлар учун исломий жазо чоралари белгиланади. Олий суд ҳузурида Федерал шариат суди ташкил қилиниб, унга ислом тамойилларига зид бўлган ҳар қандай қонунни рад этиш ваколати берилади. Мазкур сиёсат, шунингдек, 1979 йилда Эронда амалга оширилган ислом инқилоби, Афғонистондаги қуролланган гуруҳларнинг қўллаб-қувватланиши, Ҳиндистон билан Кашмир муаммоси бўйича муайян келишувларга эришилмаганлиги натижасида XX асрнинг 80-йилларидан Покистонда ислом радикализи кучайгани қайд этилади.

1999 йил октябрда П.Мушарраф раҳбарлигида Покистон ҳукумати тепасига келган ҳарбий маъмурият мамлакатда диний радикализм таҳдидини бартараф этишга қаратилган сиёсатни амалга ошира бошлади. Шунинг қайд этиб ўтиш жоизки, бу фаолият АҚШдаги 2001 йил сентябрь воқеаларидан олдин бошланган. Покистон ҳукуматининг диний радикализмга қарши фаолияти 2001 йилда АҚШ бошчилигидаги аксилтеррористик коалицияни қўлла-қувватлаганидан кейин янада кучайди.

Хулоса сифатида зикр этиш мумкинки, Покистон давлати ташкил этилганидан бошлаб, мамлакатда амалга оширилган халқни диний ғоя асосида бирлаштириш сиёсати жамиятда диний омилнинг кучайишига олиб келди. Бу эса XXI асрга келиб, мамлакатнинг ички сиёсий тинчлиги ва барқарорлигига жиддий хавф сола бошлади. Ҳаттоки, Покистон бош вазири Беназир Бхутто 2007 йилда бунинг қурбонига айланди.

#### Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Тошкент, “Ўзбекистон”, 1997.
2. Journal of South Asian and Middle Eastern Studies. Villanova, 1982, Vol. VI, № 1.
3. Белокреницкий В. Исламский радикализм Пакистана: эволюция и роль в регионе \ Центральный Азия и Кавказ. Lulea (Sweden), 2000, № 6 (12).
4. [www.pakistan-wikipedia.ru](http://www.pakistan-wikipedia.ru)

